



ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ЁШЛАР КЕНГАШИ

МАЖЛИС ҚАРОРИ

2013 йил 14 май

№ 1-3

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгашининг
2013 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар
кенгашининг фаолиятини ва тузилмасини янада такомиллаштириш
тўғрисида”ги 6-5 сонли қарори хақида

Тармоқ касаба уюшмалари томонидан ёшларни иш билан таъминланиши
устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ишга жойлашган ёшларни
мехнатини муҳофаза қилиш, корхона ташкилот ва муассасаларда амалиёт
ўтаганлар, ёшлар ўртасида касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари
тўғрисида, ёшларнинг меҳнат қонунчилигига доир хуқуқий саводхонлигини
ошириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, касаба
уюшмалари ёш аъзолари ўртасида соғломлаштириш тадбирларини ташкил
этиш, касаба уюшмалари ташкилотлари корхона, ташкилот ва муассасаларда
меҳнат қилаётган ёшлар муаммоларидан хабардор бўлиш, уларни ечимини
топиш ҳамда ёш касаба уюшма фаолларининг ижобий ишларини
оммалаштиришни тизимли давом эттириш мақсадида Ўзбекистон таълим, фан
ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгashi Мажлиси қарор
қиласи:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгашининг 2013
йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар
кенгашининг фаолиятини ва тузилмасини янада такомиллаштириш
тўғрисида”ги 6-5 сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Марказий кенгашнинг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари,
Ўзбекистон Фанлар академияси ва Тошкент шаҳар маданият муассасалари
ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмиталари раисларига:

- касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшма
қўмиталари Ёшлар комиссиялари мазкур қарорнинг 1-,2-иловасида берилган
“Тузилма” ҳамда “Касаба уюшмалари туман, шаҳар, бирлашган касаба уюшма
қўмиталари Ёшлар кенгashi комиссияси функциялари”га асосан ўз ишларини
ташкил этишларини назорат қилиш вазифалари топширилсин.


3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон таълим, фан ва
маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгashi масъул котиби
И.Урманов зиммасига юклатилсин.

Ёшлар кенгashi раиси

С.Салахутдинов

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси
Ёшлар кенгаши Мажлисининг 2013 йил
14 майдаги 1-3 сонли қарорига 1-
илова

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси
Ёшлар кенгаши тузилмаси



Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши Мажлисининг 2013 йил 14 майдаги 1-3 сонли қарорига 2-илова

Касаба уюшмалари туман, шаҳар, бирлашган касаба уюшма қўмиталари Ёшлар комиссияларининг функциялари

1. Туман, шаҳар, бирлашган касаба уюшма қўмиталаридағи тармоққа мансуб ташкилотлар билан тузиладиган жамоа келишувларига ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ва меҳнат соҳасидаги хуқуqlарини ҳимоя қилиш масаласини киритилишига эришади.
2. Заруратга қараб, бошлангич касаба уюшма қўмиталари қошидаги Ёшлар комиссия(ташкилотчи)ларининг фаолиятларини такомиллаштириш юзасидан Тармоқ Ёшлар кенгашига таклифлар билан чиқади.
3. Тармоқ корхона, ташкилот ва мауссасаларида фаолият юритувчи ёш касаба уюшма аъзолари ва фаолларидан тушган мурожаатларни қўриб чиқадилар, ваколатлари доирасида улар юзасидан тавсиявий қарор қабул қиласидилар, зарур ҳолларда иш берувчиларга ва Тармоқ Ёшлар кенгаши Мажлисига таклифлар билан чиқадилар.
4. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгашидан олинган ахборотларни қўйи орган Ёшлар комиссия(ташкилотчи)ларига тарқатилишини тўлиқ таъминлайди.
5. Худуддаги ёш ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга оид ишларнинг аҳволини таҳлил қиласиди, давлат ижтимоий дастурлари бажарилишини таъминлаш ҳамда тармоқ ёш ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида иш олиб боради.
6. Жойларга чиққан ҳолда қўйи касаба уюшмалари қўмиталарига Ёшлар билан ишлаш комиссия(ташкилотчи)ларини ташкил этиш ва уни иш фаолиятини олиб боришда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади.
7. Касаба уюшмаси Тармоқ Ёшлар кенгаши томонидан республика бўйича ўтказиладиган тадбирларда худудий касаба уюшмалари ёш фаоллари қатнашишини ташкиллаштиради.
8. Ёшлар билан ишлашда тўпланган тажриба, муаммолар, талаблар ҳақида Тармоқ Ёшлар кенгашини тезлик билан хабардор қиласиди.
9. Касаба уюшма ташкилотларининг ёшлар билан олиб бораётган ишларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ва тизимли равишда ёритиш, махсус нашрларда материаллар чоп этиш, корхона, ташкилот ва муассасаларда ёшларга оид сиёsatни амалга ошириш бўйича аниқ мисолларни тарғиб қилишни ташкиллаштиради.
10. Туман, шаҳар, бирлашган касаба уюшма қўмиталарида тармоқ касаба уюшмаси “Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши тўғрисида”ги Низомда белгиланган бошқа вазифаларни амалга оширади.